

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ РАЎБАР АХЛОҚИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ

Ў.Б.Шакарров

Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Халқаро муносабатлар ва ижтимоий
фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

e-mail: o.shakarov@iiu.uz

АННОТАЦИЯ

*Мазкур мақолада миллий давлатчилик тарихида раўбар ахлоқида доир
қараишлар, раўбар ахлоқи мезонлари, жамият боиқарувининг ноёб тарихий,
адабий манбалари, адолатли давлат шакллари ва унда боиқарувнинг сиёсий-
ахлоқий тамойиллари, боиқарувнинг ривожланиши жараёнлари, жаҳон
тажрибалари ва миллий давлатчилик тизими томонидан қабул қилинган
нормалар, раўбар ахлоқий сифатлари ҳақида сўз юритилади.*

Калит сўзлар: давлат, жамият, боиқарув, адолат, адолатли боиқарув,
маънавият, ахлоқ, раўбар, раўбар ахлоқи, маънавият, мерос, миллат, миллат
маънавияти.

МНЕНИЕ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКИХ МЫСЛИТЕЛЕЙ ОБ ЭТИКЕ РУКОВОДСТВА

У.Б.Шакарров

старший преподаватель кафедры “Международные отношения и гуманитарных
наук” МИАУз, PhD, e.mail: o.shakarov@iiu.uz

АННОТАЦИЯ

*В статье представлены взгляды на этику лидерства в истории
отечественной государственности, критерии этики лидерства, уникальные
историко-литературные источники управления, формы справедливого
правления и политико-нравственные принципы управления, процессы развития
управления, мировой опыт. и нормы, принятые национальной государственной
системой, обсуждаются этические качества лидера.*

Ключевые слова: государство, общество, управление, справедливость,
справедливое управление, духовность, этика, лидер, этика лидера, духовность,
наследие, нация, духовность нации.

OPINION OF CENTRAL ASIAN THINKERS ON GOVERNANCE ETHICS

U.B.Shakarov

Senior teacher of department “Internationals relations and humanitarian sciences” in
International Islamic academy of Uzbekistan, PhD

e.mail: o.shakarov@iiu.uz

ABSTRACT

The article presents views on the ethics of leadership in the history of national statehood, criteria for the ethics of leadership, unique historical and literary sources of management, forms of fair government and political and moral principles of management, management development processes, world experience. and the norms adopted by the national state system, the ethical qualities of the leader are discussed.

Key words: state, society, governance, justice, fair governance, spirituality, ethics, leader, leader ethics, spirituality, heritage, nation, spirituality of the nation.

КИРИШ

Марказий Осиё қадимдан илм-фан ривожланган ва юксак чўққиларга эришган ҳудуд ҳисобланган. Мазкур ривожланиш асосида миллий давлатчилик тарихида раҳбар ахлоқи мезонлари, жамият бошқарувининг ноёб тарихий, адабий манбалари яратилган. Мазкур қадриятлар миллий давлатчилигимизнинг пойдевори бўлиб, уни ўрганиш, татбиқ этиш, замонавий давлатчилик талаблари билан уйғунлаштириш миллатимизнинг ўзига хос анъаналарини ривожлантириш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

“Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган”¹, деб таъкидлаган эди Биринчи Президентимиз И.А.Каримов. Дарҳақиқат, Мовароуннаҳрда пайдо бўлган улкан маданий мерос инсоният тарихи ибтидосида энг дастлабки ҳамда қадимий маданият сифатида давлатчилик ташкил топишининг ахлоқий асосларини яратишга хизмат қилган. Айни пайтда, мустақиллигимиз шарофати билан миллий-маънавий меросимизни ўрганиш имконияти халқнинг тарихий хотирасини тиклашда, давлатчилик маданиятимизни ўзлаштирган сари руҳан ва маънан соғлом ҳамда бақувват

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7- жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Б. 132.

бўлишда, олдимизда турган мақсадларимизни амалга оширишда фаол бўлишимизга хизмат қилмоқда. Зеро, миллат руҳияти кучли бўлсагина, давлат тараққиёти ва истиқболи порлоқ бўлади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Илк Шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккирларидан бири Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида кишилик жамиятининг вужудга келиши ва ривожланишининг табиий сабабларини, адолат ва ахлоқ шаклланишининг узвий қонуниятларини, инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини, айти пайтда, жамоаларнинг ижобий ва салбий хусусиятларининг таснифларини яратади. Бу билан аллома давлат бошқарувининг мунтазам ва изчил тизимини шакллантиради. Жамиятнинг ривожланиб боришини фозил раҳбарларнинг ахлоқий фазилатлари билан боғлайди.

Форобий жамиятнинг келиб чиқиши устида мулоҳаза юритар экан, ҳар қандай зўравонлик таълимотини инкор этади, табиий эҳтиёжлар ҳақидаги ғояларни илгари суради. Табиий эҳтиёж кишиларнинг бир-бирлари билан бирлашишига, жамоа сифатида бирлашишига, ўзаро ҳамкорликка олиб келади. У давлатга ўз аҳолисини бахт-саодатга етакловчи восита сифатида қарайди ва бундай воситанинг инсон, жамоа эҳтиёжи билан боғлиқ маънавий омилларини очиб беради.

Шу тариқа олим бугун бизнинг тасаввуримиздаги адолатли давлат шакллари ва унда бошқарувнинг сиёсий-ахлоқий тамойилларини яратишга эришади. Масалан, фозиллар шаҳрининг (давлат назарда тутилган) таркиб топиши ва унда қандай ахлоқий сифатдаги шахснинг раҳбар бўлиши таснифлари бугунги демократик жамият қурилишининг бевосита назарий талаблари билан уйғун келади. Бу борада Форобий “Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олижаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиладилар”², деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш билан боғлиқ ахлоқий қадриятларни тизимлаштиради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, фозиллар шаҳри ҳокими ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал, қобилиятли, ҳар томонлама етук бўлиши билан

² Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: Халқ мероси, 1993. –Б. 190.

бир қаторда доно ҳам бўлиши зарур. “Доно бўлмаса, фозиллар шаҳри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатга юз тутади, фуқаролари эса жабр-зулмга мубтало бўлади”³, дейди Форобий.

Раҳбар ва бошқарувга дахлдор ахлоқий масалалар Юсуф Хос Ҳожиб ижодида ҳам асосий ўрин тутган. “Қутадғу билиг” ижтимоий-фалсафий асар бўлиб, дoston муаллифи ўз замонасининг илмини мукамал ўрганган етук маърифатли шахслардан бўлган. У юнон фалсафасини чуқур билиб, давлат бошқарувида ахлоқий қарашларни асаридан кенг ифодалаган. “Қутадғу билиг” давлатни бошқариш амаллари, қоидаларнинг жамиятда тутган ўрни тўғрисидаги фикрларни мужассам этган дастур, деб ҳисоблаш мумкин⁴.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий қарашлари унинг сиёсий ва ижтимоий қарашлари билан чамбарчас боғланиб кетган. Унинг фикрича, ҳокимларнинг ва уларга тобе кишиларнинг ҳар томонлама ахлоқий комил бўлиши давлатнинг сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланишига, обрў-этиборининг ошишига олиб келади⁵. У давлат бошқаруви ва раҳбар хизматини ташкил этиш турларини ҳамда шу даражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди. Жумладан, “Шоҳликка даъвогарлар онадан ажиб бир истеъдод билан туғилдилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фазилатига эга бўладилар. Бундайларга Худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади, қолаверса яхши иш юритиш уқуви билан ҳам сийлайди”⁶ деб барча ишларда тажрибали, ёмонликни дарҳол сезувчи, оқиллик бобида ибратли, заковатли, маърифатга ташна, кичикларга таянувчи, адолатпарвар, садоқат каби фазилатларнинг соҳиби бўлиши шартлигини таъкидлайди. Шунингдек, бошқарув тизимида бошқарув ахлоқи анъаналарининг сақланиб қолиши учун аввало раҳбар кадрларни тайинлаш ва фаолиятини бошқаришда унинг қуйидаги бир қатор хусусиятларига эътибор қаратиш лозим: ижтимоий асл зотли, жисмоний соғлом ва кучли, ҳарбий савияли, ташаббускор (шижоатли, абжир), сахий, хушфезл, хушёр-эҳтиёткор, турли касб-ҳунарлар билимдони, илмпарвар, соф-покиза, уддабурон (топқир, лаёқатли), режалаштириш қобилиятига эга, моддий таъминланган (кўзи тўқ), ҳимматли, бағрикенг ва бир неча тилларни, ёзувларни пухта билиши лозим. Бу борада мазкур асарни чуқур тадқиқ қилган Ф.Равшанов раҳбарнинг бошқарув тизимига нисбатан қуйидаги бурчлари юзага келишини таъкидлайди:

³ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: Халқ мероси, 1993. –Б. 190.

⁴ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Тошкент: Фан, 1971. –Б. 327.

⁵ Қаранг: Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995. –Б. 93.

⁶ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Тошкент: Фан, 1971. –Б. 329.

1. Раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб бораётганларнинг иқтисодий таъминланган бўлиши лозим;
2. Фаолият доирасига кўра қулай шарт-шароит, иш жиҳозлари ва хизмат машиналарига эга бўлиши лозим;
3. Ҳар бир раҳбар фаолияти давомида кўрсатган жонбозлигига қараб ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб борилиши керак;
4. Хизматчи иш юзасидан сафарда бўлса ёки иш туфайли бирор фалокатга йўлиқса, унинг бутун оила аъзоларининг иқтисодий таъминоти ва муҳофазаси назоратга олиниши лозим⁷ ва ҳоказо.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ислоҳотларнинг самарадорлиги ва адолатли бошқарувни ташкил этишда мазкур тамойилларга эътибор қаратишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Зеро, раҳбарлар фаолияти кафолатланган бўлиши ва бу борада мазкур тамойилларни амалга оширишнинг механизмларини жорий этиш лозим.

Давлат бошқаруви, унинг мукамал тизимини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутафаккири Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асари муҳим манба ҳисобланади. У амалдорларни ахлоқий фазилатларига қараб танлаш, адолат ва инсофни оёқ ости қиладиган кишиларни давлат ишларига аралаштирмаслик, қолаверса, бир кишига барча ваколатларни беришнинг салбий оқибатлари, давлат амалларини топширишда назорат қилиш чораларини кўриб бориш ҳамда уларнинг итоат ҳамда ижро сифатлари билан давлат истикболини ва бунда бошқарувнинг бир маромдаги фаолияти таъминланиши тўғрисидаги фикрларини ривожлантиради. Жумладан, раҳбарнинг ахлоқий сифатлари ичида адолат муҳим ўрин тутишини айтиб ўтади.

Шунингдек, Низомулмулкнинг бошқарувга оид “кўпчилик бўлиб қабул қилинган тadbир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак”⁸, деган қарашлари аждоқларимизнинг давлат қурилишининг адолатли тартиботларига нечоғли даражада аҳамият қаратганлигидан далолат беради.

Амир Темур асос солган улкан ва қудратли давлатнинг пайдо бўлиши ва унда турли халқларни бирлаштирган ҳамда ягона мақсад сари сафарбар этган ғоя бу – адолат ва ахлоқ билан йўғрилган миллий мероснинг тантанаси эди. Ушбу фикрнинг моҳиятига кенгроқ қарайдиган бўлсак, Амур Темурнинг “Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Фуқароларни

⁷Қаранг: Равшанов Ф.Р. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. –Тошкент: Академия, 2007. –Б. 73-98.

⁸ Низомулмулк. Сиёсатнома. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. –Б. 75.

кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик - дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин”,⁹ деган ғояси қанчалик даражада муҳимлигига иқроп бўламиз.

Амир Темурнинг адолатпешалик фазилати унинг атрофида инсофли, диёнатли, адолатпарвар, иродали, шижоатли, ботир, мард инсонларнинг жамланишига олиб келган. Бу эса, Амир Темур давлатининг янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Маърифатли одамларнинг салтанат бошқарувида иштироки давлат сиёсатининг бевосита қуёи бўғинигача тизимий хусусиятларини шакллантиришга, натижада давлат сиёсати ва ижтимоий жараёнлар бутун жамиятнинг иродасига, сўнгра, амалий фаолиятига айланишига олиб келганлигини кузатамиз.

Жумладан, Амир Темур шундай дейди: “Амр қилдимки, қачонки асл сипоҳийлардан иш кўрган, жангу жадал билан суяги қотган ўн киши йиғилса, булардан қайси бирининг шижоати, ботирлиги ортиқроқ бўлса, қолган тўққизтасининг розилиги ва маъқуллаши билан, уни ўзларига бошчи сайлаб, отини ўнбоши деб атасинлар”¹⁰. Ушбу тадбирнинг моҳиятига кенгроқ қарайдиган бўлсак, юқорида таъкидланган бошқарувнинг бир қанча мувофиқлаштирувчи элементларини кузатиш мумкин. Масалан, асл сипоҳ жангда иш кўрсатган, ботирлиги билан алоҳида ажралиб турганига нисбат берилган ва фақат шундай сифатга эга бўлган шахсина ўнбоши бўлиши мумкинлигига ишора қилинган. Эътиборли ва ибратли томони шундаки, бундай тартиб то амир лавозимигача демократик тартиботлар асосида амалга оширилган. Зўрлардан зўри танланган ҳамда улар тўғрисидаги маълумотлар Амир Темур тасдиғига юборилган. Демак, хулоса чиқариш мумкинки, давлатнинг энг юқори, то амир ул-умарогача бўлган лавозим номзодлари сайлов асосида танланган. Энг муҳими, танланган ва сайланган асл сипоҳийларнинг маоши улар кўрсатган жасорат даражасига кўра дифференциал тартибда шакллантирилган. Яъни, жасоратли бўлиш нафақат маънавий юксаклик билан, балки моддий қиймат билан мустаҳкамланган.

Амир Темур буюк давлат арбоби сифатида ўз сиёсатида ҳалол меҳнат ва фидойилик асосида мартаба ва мавқега эга бўлиш рағбатини шакллантирган. Амалда бундай ёндашув ўз самарасини берган. Жумладан, у: “Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқлигини

⁹ Амир Темур ўғитлари . -Тошкент: Наврўз, 1992. –Б.61.

¹⁰ Темур тузуклари. –Тошкент: Фафур Фулом нашриёти, 1996. –Б. 88.

билсам, уни тарбиямга олиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра, кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борардим”, дейди¹¹.

Алишер Навоийнинг сиёсий қарашлари “Хамса”, “Маҳбуб-ул қулуб”, “Зубдат ут-таворих”, “Садди Искандарий” каби асарларида давлат сиёсатининг ахлоқий мезонларининг ёрқин ифодаси сифатида намоён бўлади. Навоий қарашларида, аввало, одил ҳукмдор фаолияти ва ҳукмдор юритаётган ахлоқий сиёсат асосида фаровон жамиятни қуриш мумкинлиги таъкидланиб, адолатсизлик ва зулм давлатни таназзулга, жамиятни жаҳолатга олиб келиши тўғрисидаги қарашлар ўз ифодасини топган. Мутафаккир подшо атрофидагилар хусусида тўхталиб, эътиборли, нуфузли, маърифатли инсонларнинг давлат бошқарувидаги иштироки жамият равнақини таъминлайдиган омил, деб қарайди. Унинг сиёсий қарашлари асосини адолат, инсоф, диёнат, меҳр-оқибат каби эзгу амаллар белгилайди. Яъни, давлат бошқарувининг барча тузилмаларида адолатли тартиб бўлишини, табақалар, гуруҳлар манфаати ифодаси, шоҳ ва халқ ўртасидаги муносабатлар ахлоқий меъёрларга асосланиши ва шу меъёрларнинг таъминланиши тўғрисидаги муҳим фикр-мулоҳазаларнинг баёнини беради¹².

Жумладан, у: “...давлат иши билан машғул бўлган амалдорлик чоғларимда кўнгил мулкани турли одамларнинг хужуми булғалади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арз-додини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим”, дейди¹³.

Алишер Навоий адолат тўғрисидаги қарашларида инсоннинг ахлоқий тарбияти билан боғлиқ ижтимоий иллатларнинг моҳиятини излайди. Жамиятда ёвузликнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этади. Адолатли жамиятга эришишда нафақат подшоҳ одиллиги, балки фуқаролар ўртасидаги муносабатлар ахлоқий бўлиши лозимлигига эътиборни қаратади. “Оламда бўлмиш ҳар навъ одам билан кўришдим; катта-кичикнинг феъл-атворини ўргандим; яхши-ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим; яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини ичиб, захрини тотиб кўрдим. Бахил ва пасткашларнинг захмини, саховатли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезадиган бўлиб қолди”, дейди¹⁴. Навоий “Маҳбуб ул қулуб” асарида ҳар хил одамларнинг феъл-атвори ва аҳволи, яхши феъл хосияти ва ёмон хислат

¹¹ Ўша манба. –Б. 83.

¹² Қаранг: Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. –Тошкент: Фафур Фулом нашриёти, 1983. –Б. 11.

¹³ Ўша асар. –Б. 12.

¹⁴ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. –Тошкент: Фафур Фулом нашриёти, 1983. –Б. 13.

касофати ҳақидаги қарашлари асосида жамият ижтимоий муносабатларининг яхлит назарий тизими: “фуқаро – жамият – давлат” ўртасидаги ахлоқий мажбуриятларни умумлаштиришга эришади.

Навоийнинг замондоши Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг “Ахлоқи Муҳсиний” асарида адолат тушунчасига шундай таъриф беради: “Адолатнинг маъноси халқнинг ҳуқуқий тенглигини таъминлашдир. Адл шундай неъматдирки, у мамлакатга оройиш беради, бир қуёшки, унинг нури билан зулмат ёруғликка айланади. Адолат зулм кўрганларнинг додига етиб, аҳволларига шафқат назари билан қараш демак”¹⁵.

Ҳадисда ёзилишича, бир соатлик адолат тарози палласи олтмиш мукаммал ҳаждан оғирроқ экан. Негаки, ҳажнинг натижаси, яъни фойдаси ҳожилардан ўзга кишига бўлмайди, адолат фойдасидан эса каттаю кичик баҳраманддир.

Кошифийнинг таъкидлашича, бошқарувда адолат бўлмаса шавкат ва давлат эгалари заифу бечораларни қакшатади. Заифлар ҳалок бўлгач, ундан сўнгра кучлилар ҳам жойида қолмайди. Чунки кишилар билан улуғларнинг турмушлари бир-бирига боғлиқдир. Адолат йўқ жойда халойиқнинг турмуши яхши бўлмайди¹⁶.

Адолатнинг улуғ шартларидан бири шуки, зулм кўрган одамлар адолат талаб қилиб келсалар, уларнинг сўзларига шафқат қулоғини тутиш, мушкулларини ҳал этиш учун уларга марҳамат кўзи билан қараш лозим. Адолат сўровчи сўзини узайтирса, малол олмаслик керак. Негаки, подшоҳ табиб, ситам кўрган одам беморга ўхшайди. Бемор табибга ўзининг барча ҳолини баён қилади, табиб унинг ҳамма сўзини эшитиб, иллатнинг ҳақиқатига етмаса, унга муносиб давони қандай қилсин?¹⁷ Бошқарувда адолатни таъминлаш раҳбарларнинг маънавиятига, ахлоқига боғлиқ. Инсонларнинг турмушларида учраб турадиган кўплаб муаммоларини раҳбарлар ҳал қилади. Раҳбар бу масалаларни ҳал қилмаса, адолат меъёрлари бузилади ҳамда халқнинг ғазаби ва нафрати кучаяди. Асарда келтирилишича, кунлардан бир куни бир киши улуғ инсонга аҳволидан арз қилиб келди. Аммо у одам қулоқ солмади, яна айтди, барибир илтифот қилмади. Учинчи марта арз қилди, у деди: “Намунча дардисар бўлдинг?”. У киши деди: “Сенга дардисар бўлмасам, кимга

¹⁵ Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат миллий нашриёти. 2011. –Б. 160.

¹⁶ Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат миллий нашриёти. 2011. –Б. 161.

¹⁷ Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат миллий нашриёти. 2011. –Б. 163.

дардисар бўламан ва мен қайга бораман?”. Бу сўз ҳалиги азизга хуш келди ва ҳожатини раво қилди.

Тараққиётнинг ташқи таъсири бевосита умуминсоний ва миллий меросимизга таянади. Яъни, жаҳон маданияти тажрибалари, улкан маънавий мерос бугунги кунда ҳаёт ҳақиқатини англашга хизмат қилади. Ҳақиқат ахлоқий кадриятлар орқали юзага келади. Жамият ана шу ҳақиқатга ва ахлоқий кадриятларга асослансагина адолат қарор топади. Натижада жамиятда бошқарувнинг адолатли воситалари вужудга келади. Демак, раҳбарнинг ахлоқий сифатлари юқорида таъкидланган омилларга бевосита суянсагина жамият тараққиёт ва ривожланишга эришади.

Бошқарув тараққиётининг ички омили миллатнинг меросини ўзлаштирган ва амалда унга риоя этиш эътиқодига эга бўлган салоҳият билан белгиланади. Бунда бошқарувнинг ривожланиши жараёнлари жаҳон тажрибалари ва миллий давлатчилик тизими томонидан қабул қилинган нормаларга, раҳбар ахлоқий сифатлари ҳам шунга мос тарзда шакллантирилиши лозим. Зеро, адолатли бошқарувни ташкил этиш тамойиллари миллий ва халқаро ҳуқуқ тизимида зид келмаслиги натижасида ҳақиқат англонади.

ХУЛОСА

Ушбу таҳлилий манбалардан мақсад миллий давлатчилик тарихимизни таназзулга тортган сиёсий курашлар ва ўзаро ихтилофларнинг сабабларини ўрганиш билан бирга, унда “инсон – жамият – давлат” ўртасидаги муносабатларнинг ахлоқий даражасини таҳлил қилиш, жамиятда раҳбар шахсининг ўрни, шунингдек, янги давлатчилигимизнинг ўзига хос хусусиятларини миллий мерос анъаналари негизида уйғунлаштиришдан иборатдир. Шу жиҳатдан ҳар бир даврнинг улкан ижодкорлари меросини чуқур ўрганиш ва ижтимоий тизим ахлоқига фалсафий ва сиёсий жиҳатдан объектив баҳо бериш лозим. Бугунги кунда адолатли бошқарувни ташкил этишда миллий меросимизнинг ана шундай намуналарида илгари сурилган раҳбар ахлоқи сифатларига доир қарашларнинг замонавий кўринишларини жорий этиш орқали халқ фаровонлигини таъминлаш мумкин.

REFERENCES

1. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7- жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Б. 132.
2. Алимардонов Т.Т. Сиёсат ва ахлоқ. Т.: Фан, 2005. –Б. 36.

3. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: Халқ мероси, 1993. – Б. 190.
4. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Тошкент: Фан, 1971. –Б. 327.
5. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995. –Б. 93.
6. Равшанов Ф.Р. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. –Тошкент: Академия, 2007. –Б. 73-98.
7. Низомулмулк. Сиёсатнома. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. –Б. 75.
8. Темур тузуклари. –Тошкент: Гафур Ғулом нашриёти, 1996. –Б. 88.
9. Алишер Навоий. Садди Искандарий.–Тошкент: Гафур Ғулом нашриёти, 1991. –Б. 832.
10. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр.–Тошкент: Гафур Ғулом нашриёти, 1989. –Б. 352.
11. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб.–Тошкент: Гафур Ғулом нашриёти, 1983. –Б. 112.
12. Алишер Навоий. Муншаот.–Тошкент: Гафур Ғулом нашриёти, 1966. 13-жилд. –Б. 85-156.
13. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. –Тошкент: Гафур Ғулом нашриёти, 1983. –Б. 13.
14. Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат миллий нашриёти. 2011. –Б. 160.